
“КОРРУПЦИЯ ЖАМИЯТ ДУШМАНИ”

#Жараён

Бағдод туман “Пенсия жамғармасы” бўлимида “КОРРУПЦИЯ ЖАМИЯТ ДУШМАНИ” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда “Қодирқул хожи” жоме масжиди имоми Шарофидин Абулқосимов иштирок этди.

Тизимда коррупцияга қарши курашиш борасида қилинган ишлар, ўтган давр мобайнида йўл қўйилган хато-камчиликлар, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилди.

Аҳоли вакиллари билан муносабатларда коррупцияга чек қўйиш борасида олиб борилаётган ислохотлар, коррупциянинг салбий таъсирлари, қонунчиликка янги киритилган нормалар бўйича тизим ходимларига батафсил тушунтиришлар берилди.

Пенсия жамғармасы фаолияти энг савобли касблардан бири эканлиги таъкидланар экан ҳалоллик, кексаларга ҳурмат, кўнгли ярим инсонларнинг оғирини енгил қилиш, бировнинг ҳаққи, харомдан тийиниш борасидаги маърузалар ҳам йиғилганларнинг ҳар бирига таъсир қилмай қолмади.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати (https://t.me/bagdodim_news)
2024-07-02 10:42:43